

## РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН ТУРКИСТОН ЎЛКАСИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ БОШЛАНИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.

**З.Т.Буриев.**

*Тадқиқотчи*

**Аннотация:** *Туркистон ўлкасига аҳолини кўчириш амалиётининг ўзига хослиги, ўлкани ҳарбий - маъмурий бошқариш тизими империя ҳукмрон доиралари ўз мустамлакаларига, Россиянинг православ, баъзан эса, насроний динидаги аҳолисининг бир қисмини кўчириб келтириш чораларини ишлаб чиққанликлари ҳам яна бир исботи бўлади.*

**Калит сўзлар:** *Россия империяси, Туркистон генерал-губернаторлиги, Столыпиннинг аграр ислоҳоти, К.П.Кауфман.*

**Аннотация:** *Своеобразие практики переселения населения в Туркестан, военно-административного устройства страны является еще одним доказательством того, что правящие круги империи разработали меры по переселению части православного, а иногда и христианского населения России в свои колонии.*

**Ключевые слова:** *Российская империя, Туркестанский генерал-губернатор, Столыпинская аграрная реформа, К.П.Кауфман.*

**Abstract:** *The peculiarity of the practice of relocating the population to Turkestan, the military-administrative system of the country is another proof that the ruling circles of the empire have developed measures to relocate a part of the Orthodox, and sometimes Christian, population of Russia to their colonies.*

**Key words:** *Russian Empire, Governor General of Turkestan, Stolypin's agrarian reform, K.P.Kaufman.*

Россия ҳукмрон доираларининг айнан империяга, босқинчилик манфаатлари XIX аср ўртасида ҳамда кейинги йиллар давомида ҳар қанча ортиқча аҳолини Россиянинг ўз худудида оқилона жойлаштиришга тўсқинлик қилди. Шундай бўлмаганда келажакда бу мамлакатнинг ўзи фойда қилган бўларди. Шунингдек, Волга бўйига, Шимолий Кавказга, Кавказортининг Туркия ва Эрон билан чегарадош минтақаларига, Хитой билан ёндош қозоқ ва қирғизларнинг худудларига казакларни, Россия фуқаролари бўлган бошқа христианларни кўчириб келтириш крепостнойлик ҳуқуқ бекор қилинишидан, марказий губернияларда қишлоқ аҳолиси кўпаяётгани тўғрисидаги хулосалар пайдо бўлишидан анча олдин бошланган эди. Олдиндан шуни қайд қилмоқчимизки, Россия ҳукумати Каспийорти вилоятига, Дашт ўлкасига метрополиядан христиан аҳолини кўчириб, жойлаштириш борасидаги буюк давлатчилик - шовинистик амалиётини оқлашга, асослашга ҳаракат қилиб, XIX аср охирида 5 губернияда гуёки, 12 миллион ортиқча аҳоли мавжуд эканлигини эълон



қилди.<sup>16</sup> Кейинчалик Столипиннинг аграр ислоҳоти ҳам шу билан асосланди. Ваҳоланки, ҳукумат метрополия аҳолисини империяга қарам бўлган Польша ва Финляндияга ҳам оммавий равишда кўчириш тадбирларини амалга оширмаган эди. Бу шу билан изоҳланадики, аввало, Польша ва Финляндиянинг мақоми бутунлай бошқача эди; иккинчидан, империянинг ҳукмрон доиралари Россияга қарам бу ҳудудларни узоқ вақт қўлга тутиб тура олмасликларини тушунсаларда, тан олгилари келмасди. Кавказ, Туркистон ва Дашт ўлкаси эса абадул - абад босиб олинган, деб тассавур этиларди.

Туркистон ўлкасига аҳолини кўчириш амалиётининг ўзига хослиги, ўлкани ҳарбий - маъмурий бошқариш тизими империя ҳукмрон доиралари ўз мустамлакаларига, айниқса, Каспийорти вилоятига Россиянинг православ, баъзан эса, насроний динидаги аҳолисининг бир қисмини кўчириб келтириш чораларини, энг аввало, ҳарбий - сиёсий стратегик манфаатлардан келиб чиқиб (бу метрополиянинг иқтисодий мақсадларига ҳам мос келарди) ишлаб чиққанликлари ҳам яна бир исботи бўлади. Бу ҳақда қуйироқда гап боради, бу ерда эса шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, Дашт ўлкаси империя Ички ишлар вазирлиги ихтиёрига берилган эди. Туркистон генерал-губернаторлиги эса доимо Ҳарбий вазирлик ихтиёрида бўлган.

Лекин Буюк Британия, Испания, Италия, Германия, Франция Россиядан фарқли равишда ўз аҳолисининг бир қисмини мустамлакаларга кўчириш амалиётини қўлламай (Австралияга, янги Зеландияга метрополиядан аҳолини кўчириш амалиёти бундан мустасно), у ерларда ҳарбий, полиция бўлинмаларини сақлаб туриш, тегишли бошқарув ва суд органларини, насроний миссионерлик ва тарғибот муассасаларини тузиш билан чекланган бўлсалар, Россия ҳукумати шундай чоралар билан бир қаторда, Каспийорти вилоятидаги ҳукмронлигининг қалтислигини англагани ҳолда, ўлкага ўз аҳолисининг бир қисмини изчиллик билан кўчиришга ҳаракат қилиб кўчишни истовчилар орасидан кўчириладиганларни саралаб олишга эътибор берган. Шу сабабли ўлканинг биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфман, масалан, Украина минтақаларидан казакларнинг кўчириб келтирилишига норозилик билдирган ва асосан рус қишлоқ аҳолисини кўчириб келтиришни талаб қилган.<sup>17</sup>

Ва, ниҳоят, аҳолини Каспийорти вилоятига кўчириш ҳаракатининг турли йиллардаги хусусиятлари Фарғона минтақаларида рус аҳолини жойлаштириш шартлари империя ҳукумати учун аҳолини кўчириш сиёсатининг ҳарбий - сиёсий мақсадлари устун бўлганидан далолат беради. Масалан, Туркистон генерал-губернаторлиги тузилгунига (1867 йил) қадар бўлган даврда кўчирилувчилар армия билан биргаликда ва унинг ортидан, Россиянинг деярли барча губернияларидан, ҳатто, Сибир, Узоқ Шарқдан ҳам келишарди. Ўшанда, яъни 1840-1867 йилларда Еттисув, Иссиққўлбўйи, жанубий Қирғизистон ва қисман Каспий орти ҳудудига, лекин, айниқса, шу вақтда Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигига қарашли бўлган ва рус лашкарлари босиб олган ҳудудларга казаклар зич қилиб жойлаштирилди. Ўша

<sup>16</sup> Российские немцы...-М.,1997.№10.-С.65.

<sup>17</sup> ЎЗРМА,ф.И-1, 2-рўйхат,1905-иш,2-варак.



йилларда аҳолини кўчириш ҳаракатини тартибга солувчи бирон - бир қоида, ҳужжатлар бўлмагани ҳамда кўчирилувчилар маъмурият, ҳарбий кучнинг қўллаб-қувватлаши остида ўзбошимчалик билан туб аҳолидан ер, қорамол, меҳнат қуролларини тортиб олиш йўллари туфайли жойлашганлар.

Бу даврга кўчирувчилик ҳаракатининг бетартиблиги, ўзини ғолиб ҳисоблаган кўчиб келаётганларнинг туб аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига нисбатан бедодлиги, уларнинг аксари кўпчилиги шаҳарларда ҳамда рус гарнизонлари, истеҳкомлари атрофида жойлашганликлари билан характерлидир. Устига - устак бедодлик рус аскарлари ва зобитларининг ғоят фаол иштироки билан амалга оширилганди. Кўчувчиларнинг турли губерниялардан чиқиши ва Туркистоннинг қайси жойларида ўрнашиб қолиши ҳали яхши назорат қилинмас ва бошқарилмас эди. Бу ҳол энг аввало, ушбу босқичда босиб олинган барча ҳудудларда мустамлака ҳарбий - маъмурий бошқарув органларининг ҳали тузилмагани билан изоҳланади.

Туркистонга кўчирилувчилар оқимининг буюқдавлатчилик ва шовинистик характери ҳамда кўлами кўп жиҳатдан шу билан белгиланган эдики, маъмурий маркази Чимкент шаҳрида, босиб олингач эса - Тошкент шаҳрида бўлган Туркистон области ташкил қилинган 1865 йил 2 мартдан бошлаб ўлка Оренбург губернаторлигига қарарди. Оренбург губернияси эса Россиянинг энг йирик губернияларидан бири бўлган. Бинобарин, рус аҳолисининг бир қисмини Туркистонга, жумладан Каспийорти вилоятига кўчирилиши оддий бир ҳол сифатидагина эмас, балки зарурий иш сифатида қараларди. Гап шундаки, Россия чоризми нуқтаи назаридан, Туркистон области иқтисодий вазифалардан кўра кўпроқ, стратегик сиёсий - ҳарбий вазифаларни ҳал этиш учун ташкил этилган ҳарбий - маъмурий тузилма эди. Кейинчалик бу ният Қўқон хонлигини тугатиш ҳамда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги устидан протекторатни ўрнатиш жараёнида ўз тасдиғини топди.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, аҳолини кўчириш амалиётининг айна биринчи босқичида Каспийорти областида - биринчидан, Россиянинг ўлкадаги ҳукмронлигини намоён қилиш, иккинчидан рус кўшинларининг орқа томони хавфсизлигини таъминлаш, мумкин бўлган исёнларнинг олдини олиш лозим бўлган казакларнинг, рус аҳолисининг ўлкадаги сонини кўпайтиришга интилиш юзага келди ва ҳукумат томонидан фаол рағбатлантирилди.

Маълумки, чоризм Туркистонни эгаллаш билан кифояланишни асло хоҳламаган. Шу боис ҳарбий "Янги Қўқон йўли" қўмондони, генерал М.Г.Черняев штаби томонидан тайёрланган, истило этилган ҳудудларнинг ҳарбий - маъмурий тузилиши тўғрисида дастлаб ишлаб чиқилган ҳужжат "Ўрта Осиё чегара области тўғрисида Низом" лойиҳаси деб аталган. Лекин империянинг ҳарбий вазирлиги ўз режаларини пухталиқ билан ниқоблаб, бу лойиҳани қайта ишлаган. Император Александр II 1865 йил 6 августда "Туркистон областини бошқариш тўғрисида муваққат Низом"ни



тасдиқлади.<sup>18</sup> Область таркибига биринчи йилда Орол денгизидан Иссиққўлгача, Шарқий Туркистон чегараларидан Тошкент воҳасигача бўлган ҳудудлар кирган.

Таъкидлаш жоизки, чоризмнинг бу Каспийорти областига аҳолини кўчириш сиёсатининг дастлабки йиллари кўчириб келтирилган казакларга, русларга энг кўп қўлайлик яратиб бериш, уларнинг сонини кўпайтириш давригина бўлмай, балки, кейинчалик такомиллаштирилган мустамлакачи маъмуриятнинг асосий ҳарбий-сиёсий ва бошқа тузилмаларини вужудга келтиришнинг ташкилий жиҳатдан яқунланиш даври ҳам бўлди. Ўрнатилган ҳокимият тизими аслида Туркистонда - Каспийорти вилоятида юзага келган вазиятни акс эттирарди: Россия империяси улкан ҳудудларни босиб олган, туб аҳолига ҳар қандай зуғум ўтказиш учун ва унинг устидан назорат қилиш учун етарли имкониятларга эга бўлган эди. Мустамлакачилар тузган ҳокимият тизими 1865 йил 6 августдаги "Муваққат Низом"да ҳарбий халқ бошқаруви"<sup>19</sup> -деб номлансада, аслида бутун ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти Туркистон области ҳарбий губернатори, жойларда эса - ҳарбий комендант ҳам ҳисобланган бўлимлар бошлиқлари ихтиёрида бўлган.

Россия империясининг кўчирувчилик сиёсатини асосий мақсади, кўчириб келтирилган рус аҳолисига таянган ҳолда Туркистон ўлкасида ўз мавқеини мустаҳкамлаш, маҳаллий аҳолини руслаштиришдан иборат эди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Российские немцы...-М.,1997.№10.-С.65.
- 2.Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX-начало XX вв). Автореф.дисс.док.истор.наук.Т.,1994.-С.30.
- 3.ЎзРМА,ф.И-1, 2-рўйхат,1905-иш,2-варак.
- 4.Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона. <http://wwhp.ru>.
- 5.Гродеков н.И. Война в Туркмении. Поход Скобелева 1881-1881 гг.: в 4т. -СПб, 1883-1884.Т.1. С.112.
- 6.Павлов Н. История Туркестана. – Ташкент: 1910. – С.219-226.
- 7.Историческая справка о развитии края//Обзор Закаспийской области за 1899 год. –Асхабад. –С.5.

<sup>18</sup> Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX-начало XX вв). Автореф.дисс.док.истор.наук.Т.,1994.-С.30.

<sup>19</sup> Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX-начало XX вв). Автореф.дисс.док.истор.наук.Т.,1994.С.-30.